

6

“Инсон ва қонун”
газетаси сонларини етказиб бериш (обуна)
ШАРТНОМАСИ

№ 04-1079 “01.02” 2020 й.

“Адолат” миллий ҳуқуқий ахборот маркази давлат муассасаси номидан Низом асосида директор Ф.Тожиёв, (кейинги ўринларда - “Етказиб берувчи”) бир томондан ва Мурзо Муромберов ТТБ (кейинги ўринларда - “Обуначи”) иккинчи томондан қуйидагилар тўғрисида ушбу шартномани туздилар.

I. Шартнома предмети

1. “Инсон ва қонун” газетасининг обуна индекси 137. Газета ҳар ҳафта сешанба кунлари, А-3-форматда, 8 саҳифада (айрим ҳолларда 16 саҳифада), биринчи ва охири саҳифалари рангли кўринишда чоп этилади, ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ газетани ОБУНАЧИга обуна тўлови асосида етказиб беради.

II. Махсулот сони, ҳажми, баҳоси

2. Шартноманинг умумий баҳоси қуйидаги тартибда белгиланади.

т/р	Махсулот номи	Комплект сони	1 комплект нархи (ҚҚС билан)	Жами нархи (ҚҚС билан)
1	“Инсон ва қонун” газетаси	<u>1</u>	300 000 (уч юз минг) сўм	<u>300 000</u>

Ушбу шартнома бўйича обунанинг умумий суммаси 300 000 сўми ташкил этади.

III. Газета сонларини етказиб бериш муддати ва тартиби

3. ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ ОБУНАЧИга газета сонларини босмаҳонада унинг тўлиқ адади чоп қилинганидан кейин 5 иш куни ичида етказиб беради. Газета сонларини етказиб бериш билан боғлиқ барча харажатлар ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ ҳисобидан қопланади.

IV. Тўлов тартиби

4. ОБУНАЧИ ушбу шартнома бўйича обуна учун тўлов суммасини ушбу шартнома имзоланган кундан бошлаб беш банк куни ичида, шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг газначилик бўлимида рўйхатга олинган лозим бўлганда, шартнома тегишли тартибда рўйхатга олинган кундан бошлаб 10 банк иш кунидан кечиктирмасдан ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ ҳисоб рақамига пул ўтказиш ёки нақд пул орқали тўлиқ олдиндан (100 фоиз) амалга оширади.

Тўлов нақд пулсиз шаклда тўлов топшириқномаси асосида ёки нақд пул маблағларини банк муассасалари орқали нашриётнинг ҳисоб рақамига ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

V. Томонларнинг мажбуриятлари ва жавобгарлиги

5.1. ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ ОБУНАЧИни ушбу шартномада белгиланган муддат ва миқдорда газета сонлари билан таъминлайди.

5.2. ОБУНАЧИ ушбу шартноманинг белгиланган қисмида ва тўлов топшириқномасида ўзининг тўлиқ номи ва манзилни, почта индекси, СТИР, ОКЭД, банк ҳисоб рақами, банк коди, телефон рақамларини тўлиқ кўрсатиши шарт.

5.3. ОБУНАЧИ 5.2.-бандда кўрсатилган шартларни обуна шартномаси ҳамда тўлов топшириқномасида (ёхуд почта квитанциясида) аниқ ва равшан кўрсатмаган ҳолда тақдим этса, ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ газетани ушбу камчиликлар обуначи тарафидан бартараф этилмагунча етказиб беришни кафолатламайди.

5.4. ОБУНАЧИ шартномани бир томонлама бекор қилгани, манзили ўзгаргани, ташкилот ўз фаолиятини республика ҳудудида тўхтатгани ҳақида тахририятга бир ой муддатда хабар қилмаса, обуна қолдиғи суммаси миқдоридан қатъи назар, қайта ҳисоб-китоб қилинмайди.

5.5. ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ айби билан (форс-мажор ҳолатларидан ташқари) газетанинг чоп этилмаган сонлари учун ушбу сонлар суммаси миқдоридаги пул маблағи ОБУНАЧИга қайтарилади.

VI. Коррупцияга қарши курашиш шартлари

6.1. Тарафлар шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига зид келадиган ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширмайдилар, шу жумладан, пора беришни таклиф қилмайди, ваъда бермайди, товланмаслик қилмайди, пора сифатида пул тўламайди, бевосита ёки билвосита пора олишга розилик бермайди ёки пора, яъни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ходими ўз хизмат

мажбуриятларидан фойдаланган ҳолда пора берган шахснинг манфаатларини кўзлаб муайян ҳаракатларни содир этиши ёки содир этмаслиги шартлиги ёки мумкинлиги учун моддий кимматликларни ёки мулкий наф олмайди. Тарафлар ушбу ҳаракатларга йўл қўймаслик бўйича чоралар кўрилишига қафолат беради.

6.2. Агар шартнома бўйича бир тараф Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ходимининг ахлоққа тўғри келмайдиган ва ушбу шартнома ёки Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига зид келаётган хатти-ҳаракатларига, шу жумладан, коррупцияга оид ҳукукбузарлик содир этишга мажбурлашдан иборат бўлган фактларга дуч келса, бу ҳақда қуйидаги алоқа каналларидан бири орқали хабардор қилиш керак: "1008" ишонч телефони, телеграм-канали ("@anticorbot"), Адлия вазирлигининг расмий веб-сайтида жойлаштирилган шакл ёки электрон почта.

VII. Форс-мажор

7.1. Тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган, уларни олдиндан билиш ёки олдини олиш имконияти бўлмаган ҳолатлар (енгиб бўлмас куч) оқибатида мажбуриятларни бажармаганлик ёки етарли даражада бажармаганлик учун тарафлардан бирортаси иккинчи тараф олдида жавобгар эмасдир. Бундай ҳолатлар жумласига эпидемиялар, табиий офатлар, ҳарбий ҳаракатлар киради.

7.2. Ваколатли орган томонидан берилган гувоҳнома енгиб бўлмас куч мавжудлиги ва амал қилишининг давомийлигини тасдиқлаш учун етарли ҳужжатдир.

7.3. Ўз мажбуриятларини бажара олмаётган тараф енгиб бўлмас кучнинг мавжудлиги ва унинг шартнома бўйича мажбуриятларни бажаришга таъсири ҳақида иккинчи тарафга хабарнома бериши лозим. Агар енгиб бўлмас куч ҳолатлари узлуксиз 15 кун давомида амал қилиб турса ва яқин муддат ичида бекор қилиниши эҳтимоли бўлмаса, мазкур шартнома тарафлардан бирининг ташаббуси билан иккинчи тарафга ёзма билдиришнома юбориш йўли билан бекор қилиниши мумкин.

VIII. Низоларни ҳал этиш тартиби

8. Ушбу шартномани тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш билан боғлиқ, томонлар ўртасида келиб чиқадиган, шунингдек, етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги низолар тарафларнинг ўзаро келишуви ёхуд қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда суд орқали ҳал этилади.

IX. Яқуний қисм

9.1. Шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилади, улардан бири обуначида қолади, бошқа нусхаси таҳририятга топширилади.

9.2. Шартнома муддати ушбу шартномада кўрсатилган газета сонларининг етказиб берилиши билан тугаган ҳисобланади.

9.3. Ушбу шартнома томонлар уни имзолаган кундан, шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ғазначилик бўлимларида давлат рўйхатига олинishi лозим бўлган тақдирда, тегишли тартибда рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга қадар, шартнома йиллик тўлиқ обун микдорига тузилганда эса, даврий нашрнинг сўнгги сони етказиб берилгунга қадар амал қилади.

VIII. Томонларнинг юридик манзили ва тўлов реквизитлари

ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ:	ОБУНАЧИ:
Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги "Адолат" миллий ҳуқуқий ахборот маркази	Мирзо Улугбекское РМО ПМУП
Х/р: 2021 2000 5001 2567 6004	Х/р: 113-2. Тел.: 264-50-93 ОҚОНХ-9154
"Микрокредитбанк" АТБ	Л/с: 400322860262694042620054014
Бош офиси	МФО: 00014 ИНН: 200 540 938
МФО: 00 433. ОКЭД: 63110.	МФО: 2340 ОКЭД: 2000 3001 0000 1010
ИНН: 201 453 166.	С/с: 00014 ИНН: 201 122 519
Манзил: 100070. Тошкент шаҳри, Миробод тумани А.Темур кўчаси, 19-уй	Манзил: Тошкент ш. БХААМ
Тел.: (71) 233-28-18; (90) 176-54-42	Тел/факс: 00014 ИНН: 201 122 519

Директор:



Ф.Тожиев



Мухаммадова
М.Т.

**ЮРИДИК АҲАМИЯТГА ЭГА ҲУЖЖАТЛАРНИНГ ҚОНУН
ҲУЖЖАТЛАРИГА МУВОФИҚЛИГИ ТЎҒРИСИДА ҲУҚУҚИЙ
ХУЛОСА**

2022 йил “02” февраль

Тошкент ш.

1. Лойиҳанинг тури: Шартнома.
2. Лойиҳанинг номи: Тарафлар: Мирзо Улуғбек туман тиббиёт бирлашмаси ва «Adolat» миллий ҳуқуқий ахборот маркази ўртасида тузилган **04-1079**—сонли обуна шартномаси тўғрисида.
3. Лойиҳа ишлаб чиқарувчиси ва киритилган сана ҳақидаги маълумот:
Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туман тиббиёт бирлашмаси томонидан ишлаб чиқилган, 01 февраль куни дастурга киритилган.
Лойиҳа амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган ва уни қабул қилиш мақсадга мувофиқ.

**Мирзо Улуғбек тумани
Юридик хизмат кўрсатиш маркази
бош юристконсулти**



Б.А.Туракулов